

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил апрель ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар, “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносиди, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, Марғилон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Асқаров, гумон қилинувчи М.Тошматов ва унинг ҳимоячиси М.Мўйдинов ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили А.Искандаровнинг иштирокида,

Тошматов Маъруфжон Муроджон ўғли (Toshmatov Ma'rufjon Murodjon o'g'li), 1995 йил 24 июнда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, судланмаган, оилали, бир нафар фарзанди бор, Марғилон шаҳар, Пичокчи маҳалла фуқаролар йиғини, Туркистон кўчаси, 273-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1513-2301/174-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи Тошматов Маъруфжон Муроджон ўғли 2023 йил 3 март куни соат 17ларда, бошқарувида бўлган “Cobalt” русумли 40 U 132 YA давлат рақам белгили автомашинасини Марғилон шаҳар, Туркистон м.ф.й., Мустақиллик кўчаси, 168-кўп қаватли уй олдида бошқариб кетаётиб, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Йўл ҳаракати қоидаларининг 11-бандининг “Г” кичик бандида кўрсатилган ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши кераклиги ва 77-бандида кўрсатилган ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги ҳақидаги талабларни бузиб, вояга етмаган Абдулазизов Мухаммадазизхон Ахрорхон ўғли уриб юборган. Натижада вояга етмаган М.Абдулазизов тан жароҳати олиб, шифохонага олиб келинган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2023 йил 11 мартдаги 649-сонли хулосасида, М.Абдулазизовда ёпиқ калла мия шикасти, бош мия тўқималарини енгил даражада лат ейиши, тепа ўнг, чакка энса соҳасини катта ҳажмли лат еган яраси, пешона ўнг яноқ, ўнг елка камари, бел ва ўнг чаноқ сон бўғими соҳасини



шилиномалари аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Дастлабки тергов давомида гумон қилинувчи М.Тошматов ва жабрланувчининг қонуний вакили А.Искандаров ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Марғилон шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчисининг 2023 йил 4 апрелдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи М.Тошматовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи М.Тошматов судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчининг қонуний вакили А.Искандаровга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Искандаров судда, ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, М.Тошматовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ҳозирда фарзанди М.Абдулазизовни соғлиги яхши экани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушингани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартаараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчининг қонуний вакили А.Искандаров ва гумон қилинувчи М.Тошматовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, химоячи М.Мўйдинов ва Марғилон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Асқаровнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи М.Тошматовнинг айбига иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи қонуний вакили ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчи қонуний вакилининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, томонларнинг ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Тошматов Маъруфжон Муроджон ўғли (Toshmatov Ma'rufjon Murodjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Искандаровга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

М.Марахимов

Аслига тўғри,  
Жиноят ишлари бўйича  
Марғилон шаҳар судининг раиси

М.Марахимов

